

Абдулазиз ибн Марвоннинг холислиги



09:00 / 15.10.2020 1739

Абдулазиз ибн Марвон Дамашққа ҳоким бўлиб борганида умавийлар ичида ундан кўра фасоҳатли гапирадиган, кучли баён қиладиган одам йўқ эди. Бундан беҳабар дамашқликлар унинг бошини айлантирмоқчи бўлишди, «Бошқарувга уқуви йўқ бола экан, жим ўтириб, айтганимизни эшитади», дейишди. Аъёнлардан бири туриб, «Аллоҳ амирнинг ишларини ўнгласин, сизга бир маслаҳатим бор», деди. «Яхши, мен ҳали иш бошламасимдан, ҳали сўрамасимдан берадиган бу маслаҳатинг қандай маслаҳат экан?» деди Абдулазиз. У: «Менинг бир ёмон, итоатсиз қўшним бор» деб, қўшнисидан йўқ айбларни ҳам санаб кетди. Абдулазиз ибн Марвон: «Сен Аллоҳдан кўрқмадинг, қўшнингни икром қилмадинг, қўшничилик ҳаққини муҳофаза қилмадинг. Хоҳласанг, айтганларингни текшириб кўрамиз. Агар рост айтган бўлсанг, ҳузуримизда бу гапларинг сенга фойда бермайди. Агар ёлғон айтган бўлсанг, сени жазолаймиз. Бизнинг кетишимизни истасанг, ўзингни ҳам кетказамиз», деди. У: «Йўқ, менинг кетишимга рухсат беринг», деб ялинди. «Хоҳлаган тарафинга кет. Аллоҳ сенга мададкор бўлмасин. Сен жуда ёмон одам экансан», деди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан